

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»

**Кибрай тумани тиббиёт
бирлашмасининг Рахбари КТМН мудир**

А.М.Ибрагимов
« _____ » _____ **2022 йил**



**Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмасининг кир ювиш
хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш буйича
харид килиш хужжатлари**

**Тошкент-2022
йил**

МУНДАРИЖА

- I Боб. Иштирокчига кўрсатма
- II Боб. Танлашнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

I БОБ. ИШТИРОКЧИГА КЎРСАТМА

A. Умумий маълумот

Танлаш предмети
Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар
Танлаш комиссиясининг вазифалари
Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гуруҳининг вазифалари
Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари
Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

Б. Танлаш ҳужжатлари

Танлаш ҳужжатининг таркиби
Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш
Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

В. Танлаш ҳужжатларини тайёрланиши

Танлашда қатнашиш харажатлари
Танлашда қўлланиладиган тил
Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш
Муқобил таклифлар
Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

Г. Танлаш таклифининг топширилиши ва очилиши

Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш
Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати
Танлаш таклифларининг очилиши

Д. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш
Таклифларнинг мос келмаслиги

Е. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш
Тўлов шартлари
Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлаш предмети

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширади.

Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, маблағ манбаси: : Бюджетдан ташқари ҳисоб варағидаги маблағларидан ажратилган Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмасининг кир ювиш хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

Махсулотни ишлаб чиқариб ва етказиб бериш: 10 кун давомида.

Товар (иш, хизмат) нархи: *

1. _____ (_____)

2 Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Товар (иш, хизмат) нархи учун жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғисиз ва қўшимча қиймат солиғи билан .

Ишлар танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Маблағ манбаси: : Бюджетдан ташқари ҳисобидан Кибрай тумани Тиббиёт бирлашмасининг кир ювиш г хизмати юзасидан энг яхши таклифларни танлаш буйича етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлаш (кейинги ўринларда – Танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида харид объектини етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – уч босқичли.

Буюртмачи – Кибрай тумани тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Тошкент вилояти Кибрай тумани Марказий 157

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Курбанбекова харид комиссия котиби Б.Гаипов.

тел.: 71 286 02 70

3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:

-танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танлашни ўтказди;

-танлаш талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган конвертларни очадди, уларнинг танлаш ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танлашнинг ташкилотчиси - Харид комиссияси котиби. Унинг вазифасига қуйидагилар киради:

- танлаш ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.xarid.uzex.uz порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:

- иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Иштирокчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

5.1. Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

5.2. Танлаш иштирокчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш иштирокчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳужжат;

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси, агар лицензияланадиган фаолият турига кирадиган бўлса.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши ва асосий бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

5.3. Иштирокчи танлаш комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертни

Йўлланма хат билан тақдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- иштирокчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- иштирокчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);
- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);
- танлаш таклифи асли (6-шакл);
- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.4. Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.5. Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш яқунлари бўйича танлашда энг яхши таклифни таклиф қилган танлаш иштирокчиси.

Захирадаги иштирокчи – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи.

5.5. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миждознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга хилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳолаши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоида-сига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишда муурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда қатнашиш ҳаражатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

12.1. Танлаш таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлаш таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш иштирокчиларидан тақдим этилган Танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлаш ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи танлаш ҳужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир varaғи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш иштирокчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

16.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати

17.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари xarid.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлаш иштирокчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлаш иштирокчиси томонидан танлаш ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлаш таклифларининг очилиши

18.1. Танлаш таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси танлаш таклифлари берилган конвертни очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, иштирокчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Иштирокчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига

ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлаш иштирокчилари танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар ва тақдим этилган ҳужжатлар овоз чиқариб санаб ўтилади, танлаш ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетида танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан иштирокчига қайтарилади.

18.4. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлаш иштирокчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг асослантилган сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.5. Энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Яқун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг яққа тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

19.7. Танлаш комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлаш ташкилотчиси танлаш ғолибига танлаш яқунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва яқунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.dxarid.uzex.uz махсус порталида эълон қилади.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул

қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиклик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

20.6 Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ҳамда тушунтириш берилади.

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.harid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофик кейинги энг яхши таклиф берган захирадаги иштирокчини Танлаш ғолибининг таклиф ва шартлари асосида танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

Бунда ғолиб бўлган иштирокчи томонидан таклиф этилган нархдан захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх юқори бўлиши мумкин эмас

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб иштирокчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.